O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

# САЙЛОВЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИМИЗ – ЎЗ ТАҚДИРИМИЗГА ФАОЛ МУНОСАБАТИМИЗДИР!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 3 декабр жума

Сотувда эркин нархда № 239 (2277)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Ислом КАРИМОВ:

# Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан!

Мамлакатимизнинг XXI асрдаги тараққиёт йўлини изчил давом эттириш, халқимизнинг эртанги тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишда Олий Мажлисга, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар натижаси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

2 декабр куни Нукус шаҳрида Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон меҳнаткашлари, тадбиркорлар ва зиёлилар, чорвадорлар, хотин-қизлар ва талабалар ҳамда сиёсий партиялар вакиллари иштирок этишди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Абдикерим Мамбеткаримов очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов сўз олиб, сайловчиларни Президентликка номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакат раҳбари сифатидаги серқирра фаолиятига, юрт озодлиги ва ободлиги йўлида амалга ошираётган кенг кўламли ишларига, миллатлар ва элатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқ турмуш даражасини кўтариш, миллий давлатчилик асосларини яратиш, тарихий анъаналарни тиклаш, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделини ишлаб чиқиш, давлатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлидаги улкан хизматларига алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари унинг номзодини қўллаб-қувватлаган Жўқорғи Кенгес депутатларига, бутун қорақалпоқ халқига миннатдорлик билдириб, ўз сайловолди учрашувларини қорақалпоқ диёридан бошлаганида рамзий маъно борлигини қайд этди. Мен ўзимни ўзбек билан тили, дили ва қисмати бир бўлган қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб биламан, деди Ислом Каримов. Бугунги учрашувдан асосий мақсад мамлакатимизда ўтказилаётган муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов масаласи бўйича фикр алмашиб олишдан иборат.

Ислом Каримов бугун юртимизда кечаётган сайлов жараёнлари демократик тамойиллар ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганидан, халқимизнинг сиёсий тафаккури юксалаётганидан далолат беришини таъкидлаб, бу жараёнда турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасида тортишувлар, баҳс-мунозаралар, ўзаро рақобат бўлиши табиий эканлигини айтиб ўтди.

Лекин менинг бу борадаги истагим, қатъий фикрим шундан иборатки, ҳар қандай кескин кураш чоғида ҳам ҳалоллик, бир-бирига ҳурмат, инсоннинг шахсиятига тегмаслик каби халқимизга хос азалий фазилатлар унутилмаслиги лозим. **Энг муҳими, сайловлар халқимизни пароканда ва бир-бирига қарши қилишга эмас, балки элу юрт манфаати йўлида янада бирлаштиришга хизмат қилиши зарур,** деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари Президентликка номзод сифатида ўз сайловолди дастурини, унда кўзда тутилган устувор йўналиш ва вазифаларни баён этиш билан бирга, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, муаммоларга тўхталди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби Қорақалпоғистон диёрида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида, ҳудудларимиз ўртасида бошқалар билан солиштириб бўлмайдиган алоҳида ўрин ва ҳуқуққа эга. Чунки у кўпмиллатли Ўзбекистон оиласида, Ўзбекистон давлати ва жамиятида ўзига хос, ўзига мос алоҳида эътиборга молик.

Юртбошимиз бизнинг миллий хусусиятларимиз жуда яқин бўлса-да, қорақалпоқ халқи ўзининг қадимий тарихи, урф-одатлари, анъаналари, тили, маданиятига хос бетакрор жиҳатлар билан ажралиб туришини айтиб ўтди. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат сиёсатини амалга оширишда, жамият қурилишини ислоҳ қилишда бу ҳолатни асло эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Қорақалпоғистоннинг иқтисодий имкониятлари беқиёс: бугунги кунда бу ерда чорвачилик маҳсулотлари, пахтачилик, шоли ва буғдой етиштириш маданияти юксалиб, янги босқичларга кўтарилмоқда, саноат тобора равнақ топмоқда. Ислом Каримов минтақада табиий маъданлар, темир, фосфоритлар, туз, нефт ва газнинг улкан заҳиралари мавжудлиги, бу эса саноатимизнинг янги тармоқларини яратиш имконини беришини таъкидлади. Истиқлол йилларида барпо этилган Марказий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, “Марказий Осиё безак тошлари” қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги ун ва кабел заводлари сингари корхоналар мамлакат салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Йўлбошчимиз сўнгги йилларда мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилганини, жумладан, Қорақалпоғистонда барпо этилган “Элтекс”, “Катекс” каби хорижий технология билан жиҳозланган йирик корхоналарда юзлаб қорақалпоқ қизлари меҳнат қилаётгани ҳаммамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлаб, яқин йиллар ичида Қорақалпоғистон йирик саноат минтақасига айланишига ишонч билдирди. Зеро, Қўнғирот автомобиль йўли ҳам, Нукус мармар заводи ҳам, Навоий-Учқудуқ-Нукус темир йўли ҳам биз орзу қилиб яшаётган буюк келажакка пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларга тўхталиб, Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудуди бўлиб, унинг табиати ва иқлими ғоятда мураккаб эканлигини қайд этди.

Бу йил қорақалпоқ меҳнаткашлари ўтган йилдагига нисбатан 40 минг тонна пахта, 35 минг тонна кўп шоли ҳосили етиштирдилар, ғалла тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Келгуси йил миришкор деҳқонлар шолизорларни кенгайтириб, 114 минг гектарга етказиш, умумий экин майдонини эса яна минг гектарга ошириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Қорақалпоғистон иқтисодиёти ҳақида гапирар экан, Ислом Каримов кўпдан-кўп ечимини кутаётган муаммолар қаторида учта масалага алоҳида эътибор бериш даркорлигини уқтирди.

**Авваламбор, аҳолининг тез ўсаётган суръатларини инобатга олиб, иқтисодиётнинг структурасини қайта кўриб чиқиш керак.** Ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларида ривож топишга имконияти ва салоҳияти мавжуд корхоналарни қўллаб-қувватлаш зарур. Бу борада эса бозор инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи муҳим масала — барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш. Айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес тараққиёти учун шароит яратиш.

**Учинчи — энг муҳим, энг долзарб масала** — оддий меҳнаткашларнинг ишга муносабатини ўзгартириш, аввало, моддий манфаатдорлигини ошириш чораларини кўриш.

Қорақалпоқ халқининг оғир табиий шароитда ҳам ўз юртига содиқ қолиб, шу заминни севиб-ардоқлаб келаётгани, қийинчиликларга мардона чидаб ҳаёт кечираётгани, астойдил меҳнат қилаётгани чинакам қаҳрамонликдир. Бу сабр-матонат ҳар қанча ҳурмат ва эҳтиромга арзийди, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари Орол муаммосига эътиборни қаратиб, бу денгиз атрофида яшайдиган қарийб 35 миллион аҳолининг ҳаётига ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган экологик таҳдид эканлигини, уни бартараф этиш чораси кўрилмаса, нафақат Марказий Осиё, балки Европа, қолаверса, бутун жаҳон ҳаво ҳудудини бузадиган умумбашарий фожиага айланиши муқаррарлигини таъкидлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон бу минтақавий муаммога жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиш бўйича бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари ўртасида Орол муаммосига бағишланган Битим имзоланди, Давлатлараро Кенгаш ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилинмоқда. Айтиш жоизки, бу тадбирлар ўзининг дастлабки самараларини бермоқда.

Лекин Юртбошимиз қайд этганидек, бу борадаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Орол муаммоси сақланар экан, биз нафақат Қорақалпоғистон, бутун Ўзбекистон ҳудудида ҳаётимизнинг барча жабҳалари тараққиётини таъминлаш масалаларида бу фожианинг таъсирини ҳар қадамда сезиб турамиз.

Айни вақтда ҳукуматимиз Қорақалпоғистон заминида яшаётган одамларнинг сиҳат-саломатлигини асраш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида белгиланган амалий ишларни давом эттирмоқда, деди Ислом Каримов.

Кейинги беш йил ичида Оролбўйи минтақасида 70 минг гектардан зиёд яшил ҳудуд барпо этилди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш 86 фоизни, ичимлик сув билан таъминлаш эса 60 фоизни ташкил этди.

Ёшлар тарбияси масаласига тўхталар экан, Ислом Каримов Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида Қорақалпоғистонда қилинаётган ишлар диққатга сазовор эканлигига урғу берди. Республикада 23 та лицей, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Янги йилда яна иккита академик лицей, 14 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилади, 2005 йилга бориб эса, коллежлар сони 114 тага етади. Шу билан бирга, Йўлбошчимиз **қишлоқларда ҳам академик лицейларни кўпайтириш, қишлоқ ёшларига илм олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш** масаласига эътиборни жалб қилди.

Бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтаришдан мақсад, деди Ислом Каримов, болаларимизга замонавий билим, тарбия бериш, уларнинг бошқалардан кам бўлмаслигига эришиш; бугунги мураккаб ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдир. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармаси орқали қорақалпоқ элининг 21 нафар ўғил-қизи бугунги кунда Америка, Буюк Британия, Япония, Германия каби мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

**Ўзингиз ўйланг, етмиш йил мобайнида бирорта қорақалпоқ йигити Америкага бориб таълим олганмиди,** деди Йўлбошчимиз.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган ҳукумат дастурини бажариш юзасидан Қорақалпоғистонда сезиларли ишлар амалга оширилганини қайд этди. Жумладан, Нукусда Оналар ва болалар шифохонаси, Беруний туманида Жарроҳлик маркази, “Тахиатошдон” ҳиссадорлик жамиятига қарашли соғломлаштириш маркази, қишлоқ жойларда 40 га яқин янги тиббий хизмат пунктлари ишга туширилди, Ақчакўл соҳилида “Орол болалари” халқаро таълим-соғломлаштириш маркази қад ростламоқда.

Қорақалпоқ спортчиларининг халқаро мусобақалардаги йирик ғалабалари эса, инсон саломатлигини мустаҳкамлашда, уни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг равнақидан дарак беради.

**Айни пайтда, Қорақалпоғистонда 379 та футбол майдони мавжуд бўла туриб, республика шарафини ҳимоя қиладиган кучли футбол жамоаси йўқлиги кишини ачинтиради,** деди Ислом Каримов.

Шунингдек, у ўзининг сайловолди дастури “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” рисоласида батафсил баён этилганлиги, ундаги устувор йўналиш ва стратегик вазифалар умумдавлат миқёсида ишлаб чиқилганлигини таъкидлади. Жумладан, дастурда Қорақалпоғистон Республикасини 2005 йилгача ривожлантириш тамойиллари, бу заминда яшаётган одамларнинг эҳтиёж, талаб ва интилишлари ҳам ўз амалий ифодасини топади. Дастурнинг асосий мақсади — халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унинг оғирини енгил қилиш, озод Ватанимизни янада обод этишдан иборат. **Ўзбекистоннинг истиқболи — Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи — Ўзбекистоннинг истиқболидир,** деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзини якунлар экан, жумладан, шундай деди: — Ғўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб, асрлар давомида янги-янги авлодларга етказиб келаётган қорақалпоқ зиёлиларига, авваламбор, шоир ва адибларга, рассом ва бастакорларга, атоқли санъаткору ёш, ёркин истеъдод эгаларига ҳар қанча олқишлар айтсак арзийди.

**Мен боя айтганимдек, ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб биламан. Шу азиз Ватанимизнинг гуллаб яшнаши, шу буюк халқимизнинг ёруғ келажаги, бахту саодати йўлида сизлар билан биргаликда ҳамиша хизмат қилишга тайёрман,** деди Ислом Каримов.

Шундан кейин сайловчилар сўз олишди. Қўнғирот туманидаги “Хоразм” овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Халмурза Шаниязов, Тахтакўпир туманидаги “Тахтакўпир” ширкатлар уюшмаси раиси Ағитай Адилов, Нукус давлат педагогика институти қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетининг 1-курс талабаси Мийрхан Қайипназарова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакат тинчлиги ва осойишталигини, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини Ислом Каримов сиймосида кўришларини, шунинг учун ҳам қорақалпоғистонлик сайловчилар якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан унга овоз беришларини айтишди.

— Халқимизнинг бахту саодатини, тинчлик ва осойишталигини сиз ҳатто ўз ҳаётингиздан ҳам баланд қўясиз. Шунинг учун ҳам барча оналар сизни жон дилидан яхши кўради, — деди сўзга чиққан Амударё тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ҳонимжон Ражапова. — Халқимиз жамики яхшиликларнинг бошида Сизни кўради, “Биз кўнглимизда Президентимизни аллақачон сайлаб қўйганмиз!”—дейишади.

— Сизнинг Қорақалпоғистонга келишингиз ҳамиша байрам бўлади,— деди Беруний туман марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлими мудири Бозорбай Оразалиев. — Бугун ҳам одамлар йўлингизга чиқиб, қандай очиқ чеҳра билан кутиб олишганини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Бу халқимизнинг Сизга бўлган меҳру муҳаббатидан далолат эмасми!

Қорақалпоқлар ҳам, бошқалар ҳам Сизнинг одилона сиёсатингиздан мингдан-минг рози. Сиз бизнинг Йўлбошчимизсиз! Илоё, бошлаган хайрли ишларингизни ўзингиз давом эттиринг!

— Ишонаман, Ўзбекистон халқи буюк келажак йўлида ҳамиша Сизга елкадош бўлади! — деди Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Людмила Трёхина.— Биз Сизни орзу-ҳавасларимизни рўёбга чиқарувчи фидойи инсон деб биламиз!

Шу куни Ислом Каримов шаҳар кўчаларида ўз истиқболига чиққан нукусликлар билан ҳам учрашди. Қизғин ва самимий суҳбат пайтида қулфи дили очилган сайловчиларнинг “Биз Сиз билан, Сиз биз билан!”, “Қаранг, қиш бўлса-да, осмон Сизнинг чеҳрангиздай очилиб кетди!”, “Йўлингизни берсин!”, “Сизга оқ йўл тилаб қоламиз!” — деган қанотли олқишлари янграб турди.

**Ғаффор ҲОТАМОВ,**
**Беҳзод УСМОНОВ.**
**(ЎзА)**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни мазкур комиссия раиси Н.Комилов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ислом Каримов ҳамда Абдулҳафиз Жалоловнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ислом Каримов ҳамда Абдулҳафиз Жалоловнинг ишончли вакиллари рўйхатга олинди. Номзодларнинг ишончли вакиллари орасида жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш соҳаси, ҳокимликлар, олий ўқув юртлари вакиллари бор.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясига келаётган ариза ва шикоятлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мамлакатимизда сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари тобора кучайган сари мазкур комиссия номига келаётган ариза ва шикоятлар сони кўпайгани таъкидланди. Бу ариза ва шикоятлар турли мазмунда бўлиб, ҳар бири комиссия аъзолари томонидан диққат-эътибор билан ўрганилмоқда. Натижалари хат эгалари ҳамда тегишли мутасадди ташкилотларга тезкорлик билан хабар қилинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу хатларнинг асосий қисми Олий Мажлис депутатлигига номзодлардандир. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхати эълон қилингандан буён 218 нафар киши депутатликка номзодликдан маҳрум этилгани, шулардан 212 нафари ўз аризасига кўра номзодини қайтариб олгани маълум қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови куни сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини ёритиш режалари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Мажлисда, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколати доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚУТЛУҒ АРАФА

### Олий Мажлис ҳамда Маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларга икки кун қолди

***Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида қутлуғ арафа бошланди: роппа-роса икки кундан кейин Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. Сайловлар — бу, шунчаки жараён эмас. У катта ижтимоий-сиёсий воқелик, мамлакатимизнинг асосий мақсади бўлган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, одил фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ташланадиган яна битта улкан қадамдир. Сайловлар, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтирадиган, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширадиган асосий омиллардан бири ҳамдир. Унинг жаҳон андозалари ҳамда демократик тамойилларга асосланган ҳолатда ўтказилаётгани эса мамлакатимизни жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнини янада тезлаштиради. Сайловлар мамлакатимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатига дахлдор бўлган ана шундай улкан ижтимоий-сиёсий воқеликдир.***

Сайловларнинг мамлакатимизда жаҳон андозалари ва демократик тамойилларга асосланган ҳолатда ўтаётганига шак-шубҳа йўқ. Бу сайловлар тоталитар тузум даври сайловлари нари турсин, ҳатто бундан беш йил бурун, яъни 1994 йилги сайловлардан ҳам ҳар жиҳатдан фарқ қилади. Бу фарқни, аввало, бугунги сиёсий партияларнинг ҳаракатлари, номзодларнинг маънавий-ҳуқуқий қиёфаси, қолаверса, сайловчиларнинг сайловларга бўлган муносабатларидан ҳам билиш мумкин. Журналист сифатида номзодларнинг сайловчилар билан бўлган бир қанча учрашувларида қатнашишимга тўғри келди. Ана шу жараёнда муқобиллик асосида ўтаётган сайловларнинг асосий моҳиятини англагандай бўлдим. У, биринчидан, сайловчига асл номзодни танлаш учун катта имконият яратмоқда. Иккинчидан, учрашувларда бугунги сайловчининг савияси қандай, сайланадиган депутат ўзи ва жамият учун қандай наф келтира олиши мумкинлигини англайдими, дейилган саволларга жавоб топиш мумкин.

Сайловчилар ҳам кечаги сайловчилар эмас. Улар номзодлар билан бўлган учрашувларда сайлайдиган депутати эртага ўзларининг манфаатини олий ҳокимиятда ҳимоя қила оладими, қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлашга қурби етадими, янги қонунлар яратиш ташаббуси билан чиқа оладими, деган саволларга жавоб излашаяпти.

Бугунги кун номзодлар учун ҳам катта сабоқ бўлмоқда. Улар, мажозий маънода айтганда, сайловчилар ҳузурида имтиҳон топширишаяпти. Иккинчи томондан обдон чиниқишаяпти ҳам, дейиш мумкин. Энг муҳими, улар бугунги кун депутати зиммасига жуда ҳам катта вазифа юкланганини ҳис қилишмоқда. Депутат ўзини сайлайдиган сайловчиларининг манфаатлари куну тун ёдида, кўз олдида туришини, айниқса, улар билан бўлган учрашувларда тобора яққолроқ англамоқда.

Сиёсий партиялар бугун «овоз олиш учун курашиш» осон кечмаслигини янада чуқурроқ ҳис қилишмоқда. Бунинг учун сиёсий партия, энг аввало, муносиб номзод излаши ва топиши ниҳоятда муҳим эканлигини теран англаяпти. Токи, танланган номзод сайловчилар эътиборини қозона олсин, сайловда ютиб чиқсин, партия ишончини оқласин. Зеро, бу ҳар бир сиёсий партия учун ўта муҳим босқич, тақдири ҳал бўладиган жараёндир.

Маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайлов ҳам ўта масъулиятлидир. Маҳаллий Кенгаш депутати бевосита сайловчиларнинг орасида юради. Ҳудудий муаммолар доимо унинг назар-эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Қонунлар, фармон ва қарорлар қандай бажарилаётганини ўрганади. У сайловчиларнинг қўли ва оёғига айланмоғи керак бўлади.

Сайловолди учрашувларни бекорга сайловларнинг муҳим, ҳал қилувчи босқичи деб аташмайди. Чунки унда ҳамма нарса ойнада кўрингандек кўзга ташланиб туради. Бу учрашувларда айрим сайловчилар ижроия ҳокимияти ваколатлари билан қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатларини аралаштириб юборгани, айрим номзодларнинг депутатлик ваколати ёки мақомини тўлиқ билмаслиги ёки сиёсий партияларнинг номзод танлашда адашганлик ҳолатлари ҳам аён бўлди. Ва, бу мутлақо табиий ҳодисадир. Биз сайловларни ва у орқали демократияни ўрганаяпмиз. Демократик тамойиллар ана шундай тарзда, босқичма-босқич шаклланиб боради. Маълум бир вақт ўтгандан кейин эса табиий жараёнга айланади.

Яқинда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувида қатнашган икки киши билан суҳбатлашиб қолдим.

— Бунақа мулоқотни ҳеч қачон кўрган эмасман, — деди биринчиси ҳаяжонини яширолмасдан. — Учрашув очиқ, ошкора ўтди. Номзодлар бир-бирларининг дастурларини танқид ҳам қилишди...

— Партияларини реклама қилишини айтмайсанми, номзодларнинг, — деди иккинчиси. — Ишончли вакил ҳам зўр бўлиши керак экан. Иккинчидан, сени дастурларинг рақибларингникидан ажралиб туриши, халққа яқин бўлиши зарур экан. Учинчиси, уни содда, лўнда қилиб асослаб беришинг керак. Ана шундан кейин сайловчилар сенга меҳр қўяди, орқангдан эргашади...

Сайловларнинг ана шундай очиқ, ошкора, баҳс-мунозарали, бир сўз билан айтганда, демократик тамойилларга таянган ҳолда ўтказилаётгани сайловчилар учун ҳам, жамият учун ҳам жуда катта самара, натижа бериши аниқ. Унинг берадиган натижаларини ҳеч қандай моддий нарса ёхуд ўлчов билан қиёс қилиб бўлмайди.

Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар, айтиш мумкинки, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини бир поғонага оширади. Сиёсий партиялар яна бир бор синовдан ўтади, тажрибаси ортади. Кўп овоз олиш учун кураш йўллари ва усулларини ўрганади. Номзодлар эса келгуси сайловларда қатнашиш, ютиш учун тажриба орттиради ва бундан ҳам жиддийроқ ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сайловлар кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун асосий воситалардан бирига айланмоқда. Энг муҳими, бу сиёсий тадбирга онгли муносабат шаклланаяпти. Сайловлар ўз навбатида мустақил ва эркин фикрловчи шахсларни вояга етказувчи мактаб ҳамдир.

Президентимиз биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XV сессиясида қилган маърузасида: **«Ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъий назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами — аввало, ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин»** деган эди. Бу, шубҳасиз, демократик тамойилларга асосланган сайловларга қилинган очиқ даъватдир. Зеро, бизда **«мустақил ва онгли равишда овоз бериш»** учун барча ҳуқуқий асос ва амалий шароитлар яратилган. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларимиз бугун сайловларга тайёр, деб ўйлаймиз. Биз эртага нафақат битта депутат ёки ўзимиз, балки келажагимиз учун ҳам овоз берамиз. Модомики шундай экан, 5 декабр — Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар куни ҳар биримиз фаол қатнашишни унутмаслигимиз керак.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАЪНАВИЙ БОЙЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ!



# ҲАР МАКТАБГА – БИТТАДАН ГАЗЕТА

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

ОБУНА-2000

«Халқ сўзи» газетасига ёзиладиган бўлдик. Кеча бўлиб ўтган вилоят халқ таълими ходимлари кенгайтирилган йиғилишида шундай қарорга келинди.

Зотан, биз халқ таълими ходимлари олдида келажагимиз эгалари бўлган XXI аср одамларини тарбиялаш ва уларга билим бериш вазифаси турибди. Янги авлодни тарбиялаш ва уларга билим бериш учун эса халқ таълими ходимлари давр талабига мос, сиёсий-маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиши керак. Бу фазилатлар ва кўникмаларни шакллантириш учун киши доимий равишда кундалик матбуотдан ҳам хабардор бўлиб туриши, бунга ўзида эҳтиёж сезиб туриши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг газеталари — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» биз, халқ таълими ходимларининг ана шу маънавий эҳтиёжини тўла қондира олади. Негаки, газеталарда, энг аввало, Президент фармонлари, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, ҳукумат қарорлари тўлиқ равишда чоп этилади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Президентимиз ва ҳукуматимиз юргизаётган сиёсатдан бебаҳра халқ таълими ходими ҳозирги замон кишисини вояга етказа оладими?

Тўғри, мамлакатимизда халқ таълими ходимлари учун «Маърифат» газетаси, кўплаб бошқа тармоқ газеталари ва журналлари чоп этилади. Уларнинг ўрни бетакрор.

Лекин, барибир «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг ўрни бўлакча. Кечагача вилоятимиз халқ таълими тизими бўйича бу нашрларга 107 та обуна бўлибди. Тан олиб айтишимиз керак, бу газеталарниг обуна баҳосини таълим ходимининг чўнтаги кўтармайди. Бироқ, вилоят халқ таълими тизимидаги ҳар бир илм даргоҳига Олий Мажлис ва Ҳукуматимиз нашрлари етиб боришини шарт, деб ҳисоблаяпмиз. Бунинг учун вилоят халқ таълими тизимидаги 375 та мактабни тўлиқ равишда бу газеталарга ёзилишларини таъминлаш мақсадида ўқитувчиларнинг ихтиёрий гуруҳларини ташкил этиб, жамоа асосида обуна қилишга киришдик.

**Қурбонали ЭРГАШЕВ,**
**Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.**

**«Халқ сўзи» – 229,**
**«Народное слово» – 116.**

КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА, ШОШИЛИНГ!

